

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

6.2020

научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года

Urganch – 2020

Дунёкараш (менталитет билан боғлиқ) фольклоризми халкнинг этнографик хусусиятлари асосида ижод қилмоқдир.

Хоразм адиблари орасида Комил Аваз бу борада эътиборга лойиқ шеърлар ижод қилган. Унинг “Дейишма” китобига кирган драмаларида Хоразм этнографияси, халқ менталитетини ёритувчи “Чиппиро далли”, “Чағоллоқ”, “Тўй муборак”, “Келин салом” кўшиқларининг стилизацион шакллари берилган.

Бундай тоифа шеърлар Эркин Самандар, Ошиқ Эркин ижодида ҳам учрайди.

“Оддий фольклоризм” бирикмаси номини ҳам ўйлаб кўришга тўғри келади. Юқорида “иктибосли фольклоризм” тушунчаси хусусида сўз юритдик. Биринчидан, бирор асар қатига мақол, матал, фразеологик иборалар ва бошқа айланмаларни сингдириб юбориши “оддий” амалиёт эмас.

Чунки матнга киритилган ибора асарнинг мазмунига ва бадий-эстетик вазифаларига ҳам-оҳанг бўлиши, жумлага “узукка қош қўйгандай” ярашиб туриши зарур. Шу сабабли ижодкорнинг чуқур иктидорга эга бўлиши талаб этилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, асарда дарҳол кўзга ташланадиган мақол, матал ва ибораларни матнга мос жойлаштириш жуда мураккаб жараёндир. Демак, бу усул оддийликдан анча холи. Шу сабабли уни “иктибосли фольклоризмлар” деб атаган маъкул. Қолаверса, оддий сўзининг маъно даражаси атама доирасига кўтарила олмайди, унинг мазмунидан осон, жўн деган маънолар ҳам англашилади. Ҳеч бўлмаганда, ушбу тоифа ибораларни “Содда фольклоризмлар” сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади.

Ўзбек адабиётшунослигида фольклоризмлар назариясига алоқадор тадқиқотлар анча кам. Ўткан асрнинг 70-йилларида “Фольклор анъаналари” номи остида “Ойбек ва фольклор”, “Яшин ва фольклор” каби ўта жўн номланган тадқиқотлар кўпайиб кетди.

Б.Саримсоқов шу муносабат билан фольклоризмлар масаласида айрим тадқиқотларни эълон қилди. Кейинчалик, фольклоризмлар муаммоси бўйича ўнлаб диссертациялар ёқланди, мақолалар эълон қилинди. Бирок ушбу тадқиқотларда фольклоризмларнинг илмий-назарий муаммоларига чуқур ёндошиш талаб даражасида эмас.

Бизнинг мулоҳазаларимиз шахсий фикр доирасида бўлиб, мутлоқлик касб этмайди. Фольклоризмлар масаласидаги муаммоларни ечиш борасида илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш фольклоршунос ва адабиётшуносларимиз олдидаги долзарб вазифалардан биридир.

Пирназарова Манзура Матназаровна (Урганч Давлат университети доценти)
ХАЛҚ ҚАЛБИДАГИ ИЖОДҚОР

***Аннотация.** Мазкур мақолада ижодкор Матназар Абдулҳакимнинг эстетик қарашлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, шоирнинг шеърларидаги самимийлик, шахс эрки ҳақидаги тушунчалар берилган. Бундан ташқари, ушбу мақола орқали, ёзувчининг эстетик тамойилини кўриши мумкин.*

***Аннотация.** В статье обсуждаются эстетические взгляды мыслителя Матназара Абдулҳакима, также даны понятия о таких качествах его поэзии, как искренность, лиризм, приводят-ся мысли поэта о свободе личности. Кроме того, в статье рассматриваются эстетические воззрения самого писателя.*

***Annotation.** This article discusses aesthetic views of a thinker – Matnazar Abdulkhakim. This article provides the concept of Matnazar Abdulkhakim’s literary and critical articles, sincerity in his poems, and his personality. In addition, it’s possible to observe the authentic principle of the writer in this article.*

***Калит сўзлар:** шеърят, ижод, образ, адабиёт, истеъдод, бадий маҳорат, тамойил, гўзаллик.*

***Ключевые слова:** поэзия, творчество, образ, литература, талант, художественное мастерство, принцип, красота*

***Key words:** poetry, creation, image, literature, talent, artistic skill, principle, beauty.*

Улкан файласуф шоиримиз Матназар Абдулҳаким шеърятида ҳаётини ҳолатлардан сизиб чикувчи пурҳикмат маъноларнигина эмас, фактлар билан бирга туғилган фалсафий мазмунни ҳам англаймиз ва ҳайратланамиз. Шоир шеърятининг ҳар бир сатрида ҳаётни ва воқеликни, қалб ҳақиқатини идрок этишга, акс эттиришга бўлган самимий туйғулар жўшиб туради.

Матназар Абдулҳаким бадиий ва илмий тафаккур уфклари кенг, теран фикрли ва бадиий ифода тарзи равон ижодкордир. Унинг шеърларида юксак эстетик дид, вокелик ва кечинмаларни бадиий кашф этиш салоҳияти ёрқин кўринса, илмий-оммабоп мақолаларида адабий меросни, хусусан, ўтмиш бадиий ёзма кадрларини чуқур англаш ва идрок этиш иқтидори намоёндир. Бунга ижодкорнинг “Иймон тухфаси”, “Иккинчи муаллим сабоқлари”, “Мангулик жамоли” асарлари далилдир. Ижодкорнинг илк шеърлар тўплами “Тиниқ тонглар” номи билан чоп этилган. Кейинчалик, шоирнинг “Фасллар кўшиғи”, “Мавж”, “Қор кўшиғи” тўплamlари уни кенг китобхонлар оmmasига танитди.

90-йиллар Матназар Абдулҳакимнинг “Ёнимдаги дарёлар”, “Қорачикдаги дунё”, “Ойдинлик”, “Бир кужоқ гул”, “Ёлғиз япроқ”, “Ҳақ файзи”, “Ялдони ёритган нур” ва бошқа шеърлий тўплamlари китобхонлар кўлига теги. Шунингдек, унинг “Жавзо ташриф”, “Кўприк” китоблари ва 2017 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи томонидан чоп қилинган икки жилдлик “Танланган асарлар”и ҳозирги шеърятни яна-да бойитди.

Истеъдодли шоир Матназар Абдулҳакимнинг фалсафий шеърятда ҳаёт ва вокелик ҳақиқатларидан пайдо бўлган ўзига хос ранг-баранглик асосий ўринни эгаллайди. Умуман олганда, Матназар Абдулҳаким шеърятни маънавий-фалсафий асосларига кўра ўзбек лирикасининг сўнгги давр камолида алоҳида ўрин тутади. Инсон ва табиат, яхшилик ва разиллик, гўзаллик ва хунуклик, ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва садоқат сингари боқий мавзуларни камраб олиши жиҳатидан шоир шеърлари ўзига хос аҳамиятга эга. Шоир шеърятни инсоннинг маънан гўзаллигини, ҳаётдаги эзгуликларнинг дунёро, инсонлараро кенгрок ёйилишини, ҳар доим яхшиликлар устун келаверишини куйлайди: шоир сатрлари бизни ўраб турган жамиятдаги ва инсонлар характеридаги разилликка, тубанликка қарши курашади. Шу ўринда, ижодкорнинг “Тазарру”, “Сўзида йўқ одобдан нишон”, “Сабоқ” каби шеърларини келтиришимиз мумкин.

Етар энди лоқайдлик, гафлат.

Етар энди дол, карахт ухлаш.

Демак керак забунни-забун,

Улугларни эса-улуглаш...

Ёки

Қилган ишинг бўлсин мукаммал, кўркам,

Қилган ишинг бўлсин юракдан.

Бош эгмоқни мажнунтоддан ўрган,

Бўй чўзмоқни эса теракдан.

Матназар Абдулҳаким шеърларида ҳаётдаги оддий воқеадан катта фалсафий хулоса чиқариш, бадиий тасвирда одамнинг ички руҳий ҳолатидан келиб чиқиб иш кўриш тамойили кучли. У азим табиат тасвирига бағишланган, сувларнинг шовуллаши-ю баргларнинг шитирлаши тасвирланган шеърларида ҳам она юртга муҳаббатни, киндик қони тўкилган ерга боғлиқликни акс эттиради. Шоирнинг “Гужумлар кўшиғи”, “Турналар ҳақида баллада”, “Ватанни излаш” шеърлари она ер учун, Ватан учун айтилган қасидадек янграйди. Ўзбекистон тупроғининг ҳар бир қарич жойи – чўлу биёбони-ю дарахтларигача, тоғу тоши, кушларигача ҳаммаси шоирга суюкли, ардокли. Мазкур мазмундаги шеърлари сунъийликдан йироқ, баландпарвозлик ва мадҳиябозликмас, аксинча, табиийлик кучли бўлиб, ижодкорнинг чин маънодаги самимий туйғуларидир:

Ватан – бу тоғ. Метин-мустаҳкам,

Лекин хавотирдан юракда гамдир.

Ватан бу япроқдан томай-томай деб

Милт этган омонат шабнамдир.¹

Матназар Абдулҳаким шеърятининг кўркам қиёфасини белгилайдиган нарса бу шоирнинг ҳар бир шеърда ўзига хос тарзда оригинал фикрлай олиши, тафаккур маданиятидир. Шоирнинг ажойиб шеърларидан бири “Ёмғир” шеърдир.

Ёмғир ёғар. Борлиқ кутишган

Бослиқди йўлларнинг чанги.

Ёмғир ёғар. Шеър ёзгим келар.

Гўё-ёмғир янги, шеър янги.¹

¹ Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар. 1-жилд. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2017, 170-бет.

Вокеликни ранглар воситасида ёки табиат тасвири орқали кўриш, бадий англаш ва бадий ифода қилиш кўпчилик шоирлар учун хос хусусиятдир. Инсон рухий ҳолатларини, ички кечинмаларини, фаолиятини жамият психологияси билан боғлиқ акс эттиришда табиат ходисалари, гуллар ва дов-дарахтларнинг ранглари, табиат бўёқлари доимо шоирларнинг бадий ниятини юзага чиқаришда асосий вазифани бажаради.

*Ёмғир ёғар. Ўйлар ўйлайман,
Тинглаб самовотнинг мунглин жим.
Неча мингинчи ёмғирдир бу
Ва мен шоир-неча мингинчи.²*

Ёмғир ёғишида, самонинг булутли, мунгли қиёфасида инсоният бошидан кечирган неча минг йиллар, инсоннинг жисман қартайиши, ўша табиий бир ҳолатдан, ҳаётнинг бир деталдан ижтимоий вокелик, умр, ҳаёт тўғрисида кенг умумлашмалли поэтик хулосалар чиқариш, табиий манзараларни бир нуқтага йиғиб, жиловантиришга интилиш М.Абдулҳаким лирикаси учун характерли бўлган хусусиятлардан биридир. Умуман олганда, ўзбек адабиёти бой ва қадимий анъаналарга эга. Табиат манзаралари орқали ўз ҳис-туйғуларини, рухиятини кўрсатиш, сувлар билан суҳбатлашиш, ёмғир томчилари билан сирлашиш, кушлар ёки гуллар билан сўзлашиш адабиётимизда, шу жумладан, шеърятимизда ҳам узок тарихга эга.

*Эзгин-эзгин ҳалқоблар ичра
Бедардликлар эрийди чўкиб.
Лилмо-лим кўл паймоналарни
Ёмғир ёғар тўкиб ва тўкиб.*

Айтиш мумкинки, шоир шеърятга лирик қаҳрамоннинг кечинмалар силсиласи билан баробар реал вокеликнинг мазмунли манзараларини олиб кирган. Юқоридаги тўртликда тасвирланишича, чақмоқ чақиб кейин ёмғир ёғиши ҳодисасидан шоир ибратли моҳиятни англаяпти. Тубанликни қоралаш ва эзгуликни улуглаш, барқарор қилиш фақат ҳаётни ёруғликка айлантиради. Ижтимоий вокеликнинг маъноли ҳолатлари лирик қаҳрамон кечинмалари билан омехта тарзда намоён бўлган. Пейзаж тасвири бу ижодкор учун кўнгли эрмаги бўлган эмас.

*Ийманмас ҳеч очилмоқдан гул,
Майса бўлмас улмоқдан изза.
Такрорланар ҳар гал шу ёмғир,
Шу саодат, шу пок мўъжиза.*

Шеърдаги фикр тиниклиги, ақл кучи лирик қаҳрамонни кичик ҳаётнинг деталлардан катта мақсадлар сари етаклайди. Шоир майда зарраларнинг инсон ҳаётидаги асосларини очиш баробарида, ижтимоий маъно касб этувчи поэтик хулосага келади. М.Абдулҳаким шеърларидаги яна бир жиҳат – бу умр гўзаллигини, ҳаётнинг азалийлигини табиат гўзалликлари воситасида кўрсатиб беришда намоён бўлади. Яъни, она табиат инсоннинг маънавий дунёсини юксалтирувчи, шеърхонни ҳаётни ардоқлашга чакирувчи восита сифатида кўринади:

*Сочилади ҳар бир томчидан
Сон минг шуъла, сон мингта зар руҳ,
Ёғар туйғу, ёғар эҳтирос,
Ёғар тавба, ёғар тазарру.³*

Юқоридаги мисолларда кузатилаганидек, инсон ҳаёт безағи, деган бадий-фалсафий концепция М.Абдулҳаким шеърларидаги ёмғир тасвири орқали намоён бўлган. Одамлар ва уларга хос туйғулар, эҳтирослар, билиб-билмай йўл кўйилган ҳаётлар учун тавба-ю тазаррулар шоир тасавури ва тасвирида ёмғир образи орқали реаллашади. Яна бир тўртлигида кузатилаётганидек, мутафаккир инсон табиатнинг ҳар бир ҳолатидан, белгиларидан хикматли мазмунни ўқийди. Тириклик учун сабоқ бўладиган маъноларни англайди.

*Тарқалиши бунчалар қийин,
Салга тинар боди сабодай.
Қани энди юқумлиликда,*

¹ Шу манба. 21-бет.

² Ўша манба.

³ Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар. 1-жилд, Гафур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2017, 21-бет.

Эзгулик ҳам бўлса вабодай...¹

Матназар Абдулҳакимнинг “Этимологик луғат” шеърда шоирнинг сўзга бўлган кучли муҳаббати тасвирланган. Сўз халқнинг асосий маънавий бойлиги, мустақкам қўрғони эканлиги, ҳар бир халқларвар инсон ўз миллий тилини ривожланиши учун, имкони қадар, ҳаракат қилиши лозимлиги таъкидланади.

*Авалло сўз бўлган. Ва сўнгра амал,
Сўз сўзсиз бахтимиз, жонажонимиз,
Менинг фаҳмим етган ҳақиқат – Ватан
Сўздан бошланур. Сўз-онажонимиз.*

Аммо тарихан шу жиҳатлар маълумки, миллий тилга, сўзнинг ривожланишига ҳам тўскинликлар, турли кўргуликлар тушиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, шоир миллий тилимизнинг, сўзимизнинг тарих доволаридан мардонавор ўтганлигини ғурур билан шоирона ифодалайди.

*Сўзга ватан эмас қорин тўйган жой,
Бунда илҳақ яшар эканмиз то биз,
Заҳриддин Бобур каби қайтар сўз,
Сўз қайтар, қайтгандек Хоразмий Ҳофиз.²*

Шоир лирикаси ижтимоий мазмун салмоғи билан шеърятимизда нуфузли ўринга эга. Ижодкорнинг яна бир шеърда қуйидагича мисралар ўқиймиз:

*Толе таъмасида толлар тўлғонар,
Қушлар қий-чувланар бахт илинжида.
Барқ уриб ям-яшил ором олади,
Гужумлар бир-бирин тинжида.³*

Мазкур парчада тасвирланганидек, шоир она-Ватанимиз табиати тасвирланган шеърларида воҳамиз гўзаллигини кўз-кўз қилишга, бетакрор фаслларга яширинган бўёқларни илғашга ва уларни нурлантиришга интилади. Шунингдек, шоир юртимиз табиати манзараларидан қалбига яқин ҳолатларни чиройли бўёқлари билан кўрсатишга ҳаракат қиларкан, уларда инсон қалбининг ҳис-туйғуларга тўла ҳолатларини ақс эттиришга эришади.

М.Абдулҳаким шеърларини мутолаа қилар эканмиз, ҳаётнинг оддий ҳодисаларини гўзал шеърга айлантирганини кўраимиз. Шоир ўзи туғилиб ўсган юртининг табиатини, ҳар бир қаричини ўзгача бир меҳр билан севади. Ёз фаслида ариқларда жимирлаб оқаётган сувнинг ўт-ўланга саодат бахш этиши маъносида тинч ва осойишта умр кечираётган халқимиз кўз олдимизга келади.

*Табиат, мен сени севаман,
Тилайман мангу бир омонлик.
Сенда-яхшиликка яхшилик мудом,
Сенда-ёмонликка ёмон.⁴*

Кўринадики, умрнинг ўткинчилиги, ҳаётнинг абадийлиги ҳақидаги мушоҳадаларни ақс эттирувчи, теварак-атрофимиздаги инсонларнинг ўзаро муносабатларидаги яхши-ю ёмон ҳолатлар табиат мисолида тасвирланади. Кўклам, табиат ҳаёт абадийлигининг, борлик мангулигининг даракчиси. Авлодлар фасллар сингари алмашинаверади. Кексалар ўрнини ёшлар эгаллайди. Инсонлар ҳаётининг оддий манзаралари, табиатнинг одатий ҳодисалари, нарса ва бўёқлари ҳам М.Абдулҳаким қаламида чуқур фалсафий ҳақиқатни ўзига сингирган гўзал шеърга айланиб кетади.

**Ғаниева Орзигул Хайридиновна (БухДУ Инглиз адабиёти кафедраси ўқитувчиси,
ganieva_orzigul@mail.ru)**

“ҚАЙҒУЛАРИМИЗ ЗИМИСТОНИ” РОМАНИДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИ ТАСВИРИ

Аннотация. Мазкур мақола Жон Стейнбекнинг “Қайғуларимиз зимистони” романида инсон ва жамият муносабатлари тасвирининг ўрганилишига бағишланади. Мақолада жамиятнинг

¹ Шу манба. 210-бет.

² Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар. 2-жилд, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2017, 108-бет.

³ Шу манба. 67-бет.

⁴ Ўша манба. 87-бет.

MUNDARIJA

FIZIKA-MATEMATIKA

Ahmadov Ithom. Kasr tartibli integro-differensial operator qatnashgan yuklangan parabolik-giperbolik tipdagi tenglama uchun trikomi masalasiga o'xshash masala.....	3
Алиқулов Самар Саттор ўғли. Квант физикасида экспериментларни моделлаштириш асослари ҳақида.....	7

OGAHIYXONLIK

Ғайнипов Дилшод. Огаҳий шеъриятидаги кофия санъатларига доир.....	10
---	----

FALSAFA

Куйлиев Бобур Тўлкинович. Давлат ва жамият ўзаро мутаносиблигини тадқиқ этишнинг назарий-методологикасослари.....	14
Қиличев Феруз. Шахс экологик маданиятини юксалтиришда диний қадриятларнинг ўрни.....	17
Бабажанов Сарварбек Бекпулатович. Аргументлашнинг тарихий-фалсафий илдизлари.....	20
Жўраев Алишер Тўлкинбойевич. Инсоннинг ўз-ўзини айнанлаштиришида давлат омилининг роли.....	24
Азизов Тухтамиш Аъзамович. Фавқулодда вазиятларда экологик ҳафсизлик борасидаги давлатлар ўртасидаги сиёсат.....	27

TARIX

Махмудов Бехзод Хамидович. Қарлук-қорахонлар давлатида ҳарбий бошқарув тизими.....	30
Қудайбергенова Дилфуза Аскарловна. Қорақалпоқ аёлларининг безаниш буюмлари.....	33
Айтмуратова Жаңылсын Жалғасовна. Миллий маданиятимизнинг ривожланишида театр зиёлиларининг хизмати.....	35

TILSHUNOSLIK

Абдувахабова Дилноза Нурмаҳаматовна. Эмотивлик категорияси замонавий тилшунослик парадигмасининг бир қисми сифатида.....	39
Мадамипова Муҳаббат. Ундалманинг лингвопрагматик хусусиятлари.....	41
Отақулов Нодиржон Баҳромалиевич. Оламнинг лисоний манзарасида мезуратив вақт бирлигининг ифодаланиши.....	45
Давлатова Раъно Хайдаровна. Дейксис ходисасида мулоқот шахсининг ўрни.....	50
Каримова Зулура Ғуламқодировна. Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гапларнинг гендер хосланиши.....	54
Зикруллаева Хусния Бахтиеровна. История развития узбекской научно-технической терминологии.....	58

ADABIYOTSHUNOSLIK

Ro'zimboyev Safarboy, Самандарова Лола Султановна. Фольклор ва фольклоризмлар ҳақида.....	62
Пирназарова Манзура Матназаровна. Халқ калбидаги ижодкор.....	64
Ғаниева Орзигул Хайриддиновна. “Қайғуларимиз зимистони” романида инсон ва жамият муносабатлари тасвири.....	67
Шарипова Раҳима. Рауф Парфи шеъриятида шамол рамзлари талқини.....	70
Абдурашитова Эльвира Тафқилъевна. Гендерная идентификация персонажей в литературе.....	73

PEDAGOGIKA

Худайбергенов Ғайрат Қураббоевич. Математика дарсларида татбиқий масалалардан фойдаланиш.....	76
Махаметова Дилнавоз Ботировна. Малака ва ташкилотчиликнинг талабалар амалий чет тил кўникмаларини ривожлантиришдаги ўрни.....	79